# В. И. ЛЕНИННИНГ ЯНГИ ҲУЖЖАТИ

(Боши биринчи бетда)

## VII БОБ

Ҳозирги вақтда фақат ҳарбий қувват ва ҳарбий техника жиҳатидангина эмас, шу билан бирга капитализм доирасида йирик саноатни ташкил қилиш жиҳатидан ҳам энг кўп тараққиётга эришган Германия империализми ўзининг иқтисодий тараққиётини яна шу нарсада ҳам кўрсатдики, у бошқа давлатлардан олдинроқ меҳнат мажбуриятини амалга оширди. Равшандирки, умуман капиталистик жамият шароитида ва айниқса империалистик уруш олиб бораётган монархия давлатлари шароитида меҳнат мажбурияти ишчилар учун ҳарбий-каторга турмасидан бошқа нарса эмас, меҳнаткашларни ва эксплуатация қилинаётган оммани асоратга солишнинг янги воситасидан бошқа нарса эмас, шу омманинг ҳар қандай норозилигини бостириш чораларининг янги системасидан бошқа нарса эмас. Лекин шунга қарамай, шу нарса шак-шубҳасиз бўлиб қолмоқдаки, йирик капитализм вужудга келтирган иқтисодий шарт-шароит туфайлигина бундай реформани навбатга қўйиш ва амалга ошириш мумкин бўлиб қолди. Энди биз ҳам урушдан кейин вужудга келган мислсиз вайронгарчилик шароитида худди шундай реформани, ҳеч шубҳасиз, олдинги ўринларнинг бирига қўйишимизга тўғри келади. Лекин равшанки, жамиятни капиталистик усулда ташкил этишдан социалистик усулда ташкил этишга ўтаётган Совет ҳокимияти меҳнат мажбуриятини амалга оширишни Германия империализми амалга оshира бошлаган томондан эмас, балки бутунлай бошқа томондан амалга ошириши лозим. Германия капиталистлари ва империалистлари меҳнат мажбуриятидан ишчиларни асоратга солиш учун фойдаландилар. Россиянинг ишчилари ва энг камбағал деҳқонлари меҳнат мажбуриятидан аввало энг кўп даражада бойларни ва мулкдор синфларни ўзларининг ижтимоий хизматларини бажаришга тортиш учун фойдаланишлари лозим. Биз меҳнат мажбуриятини амалга оширишни бойлардан бошлашимиз лозим.

Бунинг зарурлиги, умуман айтганда Совет Республикаси социалистик республика эканлигидангина келиб чиқаётгани йўқ. Бунинг зарурлиги яна шундан ҳам келиб чиқаётирки, мана шу бойлар ва мулкдор синфлар ўзларининг ҳам ҳарбий, ҳам пассив қаршилик кўрсатишлари (саботаж қилишлари) билан Россияни уруш етказган жароҳатлардан тузатиш ишини, — мамлакатни иқтисодий соғломлаштириш ва юксалтириш ишини ҳаммадан кўра кўпроқ қийинлаштириб юбордилар. Шунинг учун ҳам эндиликда давлатни бошқаришга доир ҳамма ишларнинг энг асосийси қилиб қўйилиши лозим бўлган ҳисобга олиш ва контроль қилиш аввало бойлар ва мулкдор синфларнинг намояндаларидан талаб қилиниши лозим. Мана шу синфларнинг намояндалари меҳнаткашлардан уруш давомида айниқса кўп миқдорда тўплаган бож-хирожлардан фойдаландилар, ана шу синфларнинг намояндалари мамлакатнинг жароҳатларини тузатиш ва мамлакатни янгилаш ишида қатнашиш соҳасида ҳар бир гражданга мажбурий бўлган юмушларни бажаришдан бўйин товлаш мақсадида шу бож-хирождан фойдаландилар, ана шу синфларнинг намояндалари ўзлари талаб олган мана шу бож-хирождан ўзларини паноҳда сақлаб, ўрнашиб олишлари учун за жамиятни қуришдаги социалистик принципнинг капиталистик принцип устидан ғалаба қозонишига ҳар томонлама қаршилик кўрсатиш учун фойдаландилар. Бойлар ва мулкдор синфларнинг қоғоз пулнинг анча запасларига эга бўлиб олишлари Совет ҳокимиятига қарши ва социализмга қарши улар олиб бораётган мана шундай курашнинг асосий воситаларидан биридир. Капиталистик жамиятда мулкдор синфларнинг бойлиги аввало шундан иборат эдики, улар ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига: фабрикаларга, заводларга ва шу кабиларга хўжайин эдилар. Ишчиларнинг ва жуда катта кўпчилик деҳқонларнинг қўллаб-қувватлаётганлиги туфайли Совет ҳокимияти учун мамлакат бойлигининг мана шу асосий турига помешчиклар ва буржуазиянинг хўжайинлик қилиш ҳуқуқини бекор қилиш қийин иш бўлмади. Ернинг хусусий мулклигини декрет чиқариб бекор қилиш қийин иш бўлмади. Фабрикалар ва заводларнинг катта қисмини национализация қилиш қийин иш бўлмади. Қолган йирик саноат корхоналарини ва транспорт воситаларини ҳам национализация қилиш ҳеч шубҳасиз яқин келгусида[3] осонгина амалга ошириладиган вазифадир.

Лекин капиталистик жамият бойликнинг бошқа формасини вужудга келтирганки, бу формани тугатиш Совет ҳокимияти учун унчалик осон иш эмас. Пул, ёки ҳатто тўғрироғи — қоғоз пуллар бойликнинг мана шу формасидир. Уруш вақтида чиқарилган қоғоз пуллар айниқса кўп миқдорга етди. Ҳарбий операциялар ғови Россияга энг кўп мол киритиш ва Россиядан мол олиб чиқиб кетишда урушга қадар қатнашиб келган бир қанча мамлакатлар билан бўладиган савдо оборотидан Россияни ажратиб қўйган эди. Баланд нархлар билан ҳарбий материаллар етказиб бериш ва ҳарбий пудратларни бажариш ишида ҳам бевосита, ҳам бавосита деярли ёппасига қатнашган бойлар ва мулкдор синфларнинг қўлида қоғоз пуллар тўпланиб қолганлиги, бу қоғоз пуллар ана шуларнинг қўлида кўп миқдорда тўпланганлиги мулкдор синфларнинг бойлик тўплашининг ва меҳнаткашлар устидан ҳокимликни қўлда тутиб туришининг асосий усулларидан биридир. Уч йил урушни бошидан кечирган ҳар қандай капиталистик мамлакатда бўлгани каби, Россиянинг ҳам ҳозирги вақтдаги иқтисодий аҳволи шундай бўлиб турибдики, қоғоз пуллар жуда кўп миқдорда чиқарила берганлиги сабабли қадри ғоят тушиб кетган, лекин шундай бўлса ҳам, меҳнаткаш аҳолидан бож-хирож олиш ҳуқуқини шу дамгача ҳам таъминлаб турган қоғоз пулларнинг ниҳоят даражада катта запаслари нисбатан озчиликни ташкил этган буржуазиянинг ва мулкдор синфларнинг қўлида тўпланган ва яшириб қўйилган.

Капиталистик жамиятдан социалистик жамиятга ўтиш чоғида қоғоз пулсиз иш кўриш ёки қисқа вақт ичида қоғоз пулларни янгилари билан алмаштириш мутлақо имкони бўлмайдиган бир нарсадир. Ҳозир Совет ҳокимиятининг олдида қийин, шунга қарамай, албатта ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа турибди, — бойларнинг қаршилик кўрсатиши билан курашиш,—меҳнаткашлардан бож-хирож олиш ҳуқуқини берадиган қоғоз пулларни асраб қолиш ва яшириш формасига кираётган қаршилик кўрсатиш билан курашиш вазифаси турибди. Қоғоз пуллар мана шундай бож-хирож олиш ҳуқуқини беради. Албатта, ишлаб чиқариш воситаларини, масалан, ер, фабрика, завод ва шу кабиларни илгари харид қилиш, сотиб олиш ҳуқуқини берган мана шу қоғоз пулларнинг аҳамияти ҳозир пасайиб кетмоқда ва ҳатто бутунлай нулга тушиб қолмоқда. Чунки, Россияда ерни социализация қилиш тўғрисидаги қонун нашр этилганидан кейин ер сотиб олиш энди мумкин бўлмай қолди, фабрикаларни ва заводларни, шунингдек шуларга ўхшаш йирик ишлаб чиқариш воситаларини ва транспорт воситаларини сотиб олиш эса мана шу хилдаги йирик корхоналарнинг ҳаммасини национализация ва мусодара қилиш процесси тез бораётганлиги туфайли, деярли мумкин бўлмайдиган иш бўлиб қолди. Демак, буржуазия ва мулкдор синфлар намояндаларининг (шу жумладан деҳқонлар буржуазиясининг) ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун пул ишлатишлари тобора қийин ва деярли мумкин бўлмайдиган бир нарса бўлиб қолмоқда. Лекин буржуазия ўзининг эски имтиёзларини сақлаб қолишга интилиб, ҳамда мамлакатни социалистик асосда қайта қуриш ишини секинлаштиришга ва мумкин қадар кўпроқ қийинлаштиришга интилиб, жамият бойлигидан ҳисса олиш учун ўзига ҳуқуқ берадиган пулларни сақлаб ва яшириб қўймоқда, меҳнаткашлардан бож-хирож олишга ҳуқуқ берадиган ўз пулларини сақлаб ва яшириб қўймоқда, Россия бошига тушиши мумкин бўлган ҳарбий ва савдо характеридаги қийинчиликлар ёки кризислар бўлиб қолган тақдирда ўз мавқеини сақлаб қолиш ва ўзининг эски имтиёзларини қайтариш учун бўлган лоақал баъзи бир имкониятларни ўзига таъминлаб олмоқ учун қоғоз пулларни сақлаб ва яшириб қўймоқда.

Истеъмол буюмларга келганда эса уруш вақтидаги спекуляция йўли билан тўпланган қоғоз пулларга истеъмол буюмларни сотиб олиш имконияти буржуазия қўлида ва мулкдор синфлар қўлида деярли тўла равишда сақланиб қолди, аҳоли орасида майда деҳқонлар ва майда ҳунарманд ёки кустарь табақалар ниҳоят даражада кўп миқдорда бўлган Россия сингари мамлакатда мана шу истеъмол буюмларини тўғри нормалаштириш, тўғри тақсимлаш вазифаси ғоят қийин вазифадир, уруш вужудга келтирган вайронлик шароитида эса бу вазифа шу вақтгача деярли ҳал қилинмасдан қолмоқда. Шундай қилиб, Совет ҳокимияти маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ва тақсимлашни ҳисобга олишни ва контроль қилишни жуда кўп миқдордаги қоғоз пулларни давлатнинг ҳар қандай контролидан яшираётган бойларга ва мулкдор синфларга қарши ташкилий кураш олиб боришдан бошлашга мажбур бўлди.

Ҳозирги вақтда Россияда 30 миллиард сўм чамаси қоғоз пул чиқарилган деб ҳисоблаш мумкин. Шу миқдордан, эҳтимолки, камида 20 миллиард сўми, балки бундан ҳам анча кўпроғи савдо обороти учун бутунлай кераксиз бўлиб қолган ҳамда буржуазиянинг ва мулкдор синфларнинг намояндалари ўзларининг ғаразгўйлик ёки синфий ғаразгўйлик мақсадларида сақлаб, бекитиб, яшириб қўйган запасдан иборатдир.

Совет ҳокимияти меҳнат мажбуриятини жорий қилишни аввало, буржуазиянинг ва мулкдор синфларнинг намояндаларини рўйхатдан ўтказиш билан қўшиб олиб бориши лозим бўлади, улардан ўз қўлларидаги мавжуд пулларнинг миқдори тўғрисида ҳақиқатга тўғри келадиган ариза (декларация) беришни талаб қилиши лозим бўлади, бу талаб қоғозда қолмаслиги учун бир қанча чораларни кўриши лозим бўлади, қоғоз пулларнинг ҳамма запасларини Давлат банкида ёки унинг бўлимларида тўплашга ўтиш тадбирларини ўйлаб кўриши лозим бўлади. Бундай тадбирлар кўрилмаса маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ва тақсимлашни ҳисобга олиш ва контроль қилишни охирига етказиб бўлмайди.

## VIII БОБ

Бироқ меҳнат мажбуриятининг жорий этилиши мулкдор синфлар қўлида тўпланган қоғоз пулларни ҳисобга олиш ва улар устидан контроль қилиш билан чекланиб қололмайди. Совет ҳокимиятига меҳнат мажбурияти принципини буржуазия ва мулкдор синфларнинг корхоналарни бошқариш ва бу корхоналарга ҳар турли ёрдамчи меҳнат: бухгалтерия, контора, ҳисоб-китоб, техник, маъмурий ва ҳоказо меҳнатлар билан хизмат кўрсатиш соҳасидаги бевосита фаолиятига нисбатан ҳам амалга оширишга тўғри келади. Бу жиҳатдан Совет ҳокимиятининг вазифаси ҳозирги вақтда саботажга қарши бевосита кураш соҳасидан ишни янги шароитда ташкилий равишда йўлга қўйиш соҳасига ҳам ўтиб бормоқда, чунки Совет ҳокимияти гражданлар урушида октябрь ойидан бошлаб февраль ойининг охирига қадар эришган ғалабаларидан кейин қаршиликнинг пассив формалари,— чунончи: буржуазия ва буржуа интеллигенцияси томонидан қилинган саботаж аслида барбод қилинди. Ҳозирги вақтда собиқ саботажчилар, яъни капиталистлар ва буржуа интеллигенцияси лагерида кайфият ва сиёсий ҳатти-ҳаракат ғоят кенг суратда, айтиш мумкинки ёппасига ўзгараётганлигини кўриб турибмизки, бу тасодифий эмасдир. Ҳозирги вақтда хўжалик ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида жуда кўп сонли буржуа интеллигенцияси ва капиталистик хўжалик арбоблари бизга ўз хизматларини таклиф этмоқдалар, — улар Совет ҳокимиятига ўз хизматларини таклиф этмоқдалар. Бинобарин, Совет ҳокимиятининг ҳозирги вазифаси шу хизматлардан фойдалана билишдан иборат. бу хизматлар Россия каби деҳқонлар мамлакатида социализмга ўтиш учун айниқса зарурдир ва улардан Совет ҳокимиятининг янги, — бутунлай ўз иродасига қарши ва Совет ҳокимиятига норозилик билдиришдек яширин ният билан ҳаракат қилган — ёрдамчилари ва кўмакчилари устидан Совет ҳокимиятининг устунлиги, раҳбарлиги ва контроллигига тўла риоя қилган ҳолда фойдаланиш керак.

Социализмга ўтиш учун буржуа интеллигенцияси хизматларидан фойдаланиш Совет ҳокимияти учун нақадар зарурлигини кўрсатмоқ учун биз шундай бир иборани ишлатамизки, бу ибора дафъатан қараганда ғалати туйилиши мумкин: социализм қуришни кўп жиҳатдан трестларнинг раҳбарларидан ўрганмоқ керак, социализм қуришни капитализмнинг энг йирик ташкилотчиларидан ўрганмоқ керак. Бу ақлга сиғмайдиган нарса эмас, йирик фабрикалар, йирик машиналар, индустрия, меҳнаткашларни мисли кўрилмаган даражада эксплуатация қилиш, — йирик фабрикалар капитал ҳукмронлигини ёлғиз ўзи йўқ қила олган ва социализмга ўтишни ёлғиз ўзи бошлай олган синф тўпланган марказлар эканлиги тўғрисида ўйлаб кўрган ҳар бир кимса бунга осонлик билан ишонч ҳосил қилади. Шу сабабли, социализмнинг ташкилий томонлари кун тартибига қўйилган ҳозирги вақтда социализмнинг амалий вазифаларини ҳал этиш учун биз буржуа интеллигенциясининг кўп сонли вакилларини, улардан капиталистик доираларда энг йирик ишлаб чиқаришни ташкил қилишдан ва, демак, биринчи навбатда синдикатлар, картеллар ва трестлар ташкил қилишдан иборат амалий иш билан машғул бўлган кишиларни Совет ҳокимиятига ёрдам кўрсатиш учун жалб этмоғимиз лозимки, бу ҳеч ажабланарли эмас. Совет ҳокимиятининг бу вазифаларини ҳал этмоқ учун, албатта, халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнаткаш омманинг кўп куч-ғайрат сарф қилиши, кенг ташаббус кўрсатиши керак бўлади, чунки Совет ҳокимияти саноат йўлбошчилари деб аталган кишиларнинг эски мавқеини — бошлиқлар ва эксплуататорларнинг эски мавқеини — бу эски мавқени уларга ҳеч қачон қайтариб бермайди. Саноатнинг илгариги йўлбошчилари, илгариги бошлиқлар ва эксплуататорлар, техник экспертлар, раҳбарлар, консультантлар, маслаҳатчилар ўрнини эгалламоқлари лозим. Эксплуататор синфларнинг шу вакиллари томонидан тўпланган бутун тажриба ва билимларни кенг меҳнаткаш омманинг ташаббуси, ғайрати, иши билан қўшишдан иборат қийин ва янги, лекин ғоят олижаноб вазифа ҳал этилмоғи керак. Чунки фақат шундай қўшишгина эски, капиталистик жамиятдан янги, социалистик жамиятга ўтиладиган кўприкни вужудга келтира олади.

Агар социалистик революция бир вақтнинг ўзида бутун дунёда ёки, ҳеч бўлмаганда, бир қатор илғор мамлакатларда ғалаба қилганда эди, у ҳолда эски капитализмнинг раҳбарлари орасидан энг яхши мутахассисларни, техникларни ишлаб чиқаришни янгича ташкил қилиш процессига жалб этиш вазифаси ғоят осон бўлур эди. Бу ҳолда қолоқ Россиянинг бу вазифани ҳал этиш устида ёлғиз ўзи бош қотиришига тўғри келмас эди, чунки Ғарбий Европа мамлакатларининг илғор ишчилари бизга ёрдамга келган бўлур эдилар ва социализмга ўтишнинг ташкилий вазифаси деб аталган энг оғир вазифани амалга оширишдаги машаққатларнинг катта қисмидан бизни халос қилган бўлур эдилар. Ғарбда социалистик революциянинг бошланиши сустлашган ва кечиккан, Россия эса ўзини қайта ташкил этиш учун — лоақал аҳолини очликдан қутқариб қолиш учун, сўнгра эса бутун мамлакатни эҳтимол тутилган ҳарбий ҳужумлардан қутқариб қолиш учун, — жадал тадбирлар кўришга тўғри келаётган ҳозирги вазиятда, бизга илғор мамлакатлардан социалистик ташкилот ёрдамини ва ишчиларнинг қувватлашини кутиш эмас, балки у ерлардаги буржуазия ва капиталистик интеллигенциянинг ёрдамини олишга тўғри келади.

Ҳозир вазият шундай бир тарзда юзага келмоқдаки, Совет ҳокимиятининг янги ташкилий проблемалари ишида буржуа интеллигенциясининг кўмагини ташкил қилиш йўли билан бу ёрдамни олишимиз мумкин. Бундай ёрдамни фаннинг ҳар бир соҳаси бўйича энг яхши мутахассисларнинг меҳнатига — уларнинг ўз давлатимизнинг кишиси ёки чет эллик бўлишидан қатъи назар — юқори ҳақ тўлаш йўли билан олиш мумкин. Албатта, ривожланган социалистик жамият нуқтаи назаридан гапирганда, буржуа интеллигенциясининг вакиллари меҳнатига тўланадиган ҳақнинг ишчилар синфининг энг яхши табақалари меҳнатига тўланадиган ҳақдан беқиёс даражада юқори бўлиши ғоят адолатсизлик ва нотўғри бўлиб туюлади. Бироқ ҳозирги мавжуд шароитда*... биз кечиктириб бўлмайдиган вазифани буржуа мутахассисларининг меҳнатига анча юқори нормалар бўйича ана шундай (адолатсиз) ҳақ тўлаш йўли билан албатта ҳал этишимиз лозим. Агар, масалан, биз фараз қилсакки, Россияда ишлаб чиқаришни янги асосларда ташкил қилиш учун, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, халқимизни яхши шароитда ишлаш санъатига ўргатиш учун, — агар биз фараз қилсакки, бунинг учун, айтайлик, билимнинг турли соҳаси бўйича икки мингта энг йирик мутахассисни, — рус мутахассисларини ва яна ҳам кўпроқ чет эллик, айтайлик, америкалик мутахассисларни — ёллашимизга тўғри келса, агар бизга улар учун йилига эллик ёки юз миллион сўм тўлашимизга тўғри келса, у ҳолда, халқ хўжалик манфаатлари нуқтаи назаридан, умуман ишлаб чиқаришнинг эскириб қолган усулларидан янги, энг такомиллашган усулларига ўтиш нуқтаи назаридан, бундай харажат мутлақо ўринли бўлур эди. Ишлаб чиқаришнинг яхши усуллари ва йўлларини ўргатиш учун шунча пул бермоқ керак ва берса арзийди. Бизнинг шунча пул беришимизга тўғри келишининг сабаби шуки, фақат бошқа мамлакатларда социалистик революциянинг ғалабасигина бундай раҳбарликка эга бўлишнинг бошқа имкониятини вужудга келтирган бўлур эди.

Албатта, буржуа интеллигенцияси вакилларининг меҳнатидан ва раҳбарлик кўрсатмаларидан фойдаланиш меҳнаткашларнинг демократик ташкилотлари ва Советлар томонидан амалга ошириладиган зарур контроль билан бирликда бир қатор янги проблемалар вужудга келтиради, лекин бу проблемалар ҳал этилиши мутлақо мумкин бўлган проблемалардир. Бинобарин, биз бу проблемаларни ҳал этиш учун ҳеч қандай қийинчиликлар олдида тўхтаб қола олмаймиз, чунки ҳозирги аҳволда ишлаб чиқаришни юксак даражада ташкил этишга ўтиш учун бошқа иложимиз йўқ.

Мен энди буёғини ҳам айтаман. Энг йирик капитализм меҳнатни ташкил қилишнинг шундай системаларини вужудга келтирдики, булар аҳоли оммаси эксплуатация қилинаётган шароитда озчилик мулкдор синфлар томонидан меҳнаткашларни асоратга солишнинг, уларнинг қўшимча меҳнати, кучи, қони ва асабларини сиқиб олишнинг энг ёвуз формаси бўлиб келди, бироқ бу системалар айни замонда ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилишнинг янги усулидир, бу системалар социалистик Совет республикаси томонидан қабул қилиниши, бир томондан, ҳисобни ва ишлаб чиқариш устидан контролни амалга ошириш манфаатларини кўзлаб, сўнгра, иккинчи томондан, меҳнат унумдорлигини ошириш манфаатларини кўзлаб қайта ишлаб чиқилиши лозим. Масалан, Америкада кенгайилган машҳур Тейлор[4] системасининг донг чиқарганига сабаб шуки, у ашаддий капиталистик эксплуатациянинг энг уччига чиққанидир. Шунинг учун ҳам бу система ишчилар оммасининг бениҳоя нафрати ва ғазабига дучор бўлди. Бироқ, айни замонда Тейлор системаси ишлаб чиқариш процессини системали анализ қилиб борувчи ва инсон меҳнати унумдорлигини ғоят ошириш йўлларини очиб берувчи фаннинг ғоят катта ютуғи эканлигини бир минут ҳам унутмаслик керак. Тейлор системасининг жорий этилиши муносабати билан Америкада бошланган илмий тадқиқотлар, айниқса, америкаликларнинг тили билан айтганда, ҳаракатларни ўрганиш меҳнаткаш аҳолини умуман меҳнатнинг юксак усулларига ва хусусан меҳнатни ташкил қилишга ўргатиш учун жуда кўп материал берди.

Тейлор системасидаги салбий томони шу эдики, бу система капиталистик қуллик шароитида амалга оширилди ва аввалги иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда, ишчиларни икки ҳисса ва уч ҳисса ортиқ меҳнат қилишга мажбур этиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Бунда ёлланма ишчиларнинг инсон организмига зарар келтирмай олдинги иш соати мобайнида икки ёки уч ҳисса ортиқ меҳнат қилиш лаёқати билан мутлақо ҳисоблашилмади. Социалистик Совет Республикаси олдида шундай вазифа турибдики, бу вазифани қисқача бундай таърифлаш мумкин: биз бутун Россияда Тейлор системасини ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг илмий, америкача усулини бу системани қисқартирилган иш вақти билан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги усулларидан меҳнаткаш аҳолининг иш кучига ҳеч қандай зарар етмайдиган қилиб фойдаланиш билан бирга қўшиб жорий этмоғимиз лозим. Аксинча, агар меҳнаткашлар етарли даражада онгли бўлсалар, меҳнаткашлар томонидан Тейлор системасининг тўғри қўлланилиши барча меҳнаткаш аҳоли учун мажбурий иш кунининг янада ва ғоят қисқартирилиши учун энг тўғри восита бўлиб хизмат қилади, бизнинг анча қисқа муддат мобайнида тахминан қуйидагича ифодалаш мумкин бўлган вазифани амалга оширишимиз учун энг тўғри восита бўлиб хизмат қилади: катта ёшдаги ҳар бир гражданин ҳар куни олти соат жисмоний меҳнат қилиши ва давлатни бошқариш учун тўрт соат ишлаши керак.

Бундай системага ўтиш учун жуда кўп янги малака ва янги ташкилий муассасалар керак бўлади. Шубҳа йўқки, бундай ўтиш биз учун анча қийинчиликлар туғдиради ва бундай вазифанинг қўйилиши ҳатто англашилмовчиликларга сабаб бўлиши ва эҳтимол, меҳнаткашларнинг баъзи табақаларининг қаршиликларига дуч келиш ҳам мумкин. Лекин шунга ишониш мумкинки, ишчилар синфининг илғор элементлари бундай ўтишнинг зарурлигини тушуниб оладилар ва хўжаликнинг урушда қанчалик вайрон бўлганлигини биринчи марта кўраётган миллион-миллион кишилар фронтдан қайтиб келгач, шаҳар ва қишлоқларда эндигина маълум бўлаётган дастлабки вайроналиклар шароитида, шубҳасизки, меҳнаткашларнинг шу йўлдаги жамоатчилик фикрини тайёрлаш учун замин ҳозирланади ва биз юқорида тахминан ва чамалаб белгилаган ўтиш ҳозирги вақтда Советлар ҳокимияти томонига ўтган меҳнаткаш синфларнинг онгли суратда бораётган барча элементлари томонидан амалий вазифа сифатида ўртага қўйилади.

## IX БОБ

Мазкур характердаги иқтисодий ўтиш Совет ҳокимиятининг вакилларидан ҳам раҳбарлар функцияларида тегишли ўзгартишлар киритишни талаб этади. Мутлақо табиийки, халқнинг кўпчилигини ишонтириш ёки ҳокимиятни қўлга олиш ва эксплуататорлар қаршилигини бостириш вазифаси биринчи ўринга қўйилган вазиятда,—мутлақо табиийки, раҳбарлар орасида ҳам Совет ҳокимияти ўтмишдаги ҳокимиятнинг ҳар қандай демократик формаси боғланганига қараганда кўпроқ боғланган оммага нисбатан агитаторлар кўпроқ биринчи ўринга чиқдилар. Мутлақо табиийки, аҳолининг кўпчилигини ишонтириш учун ёки бу кўпчиликни эксплуататорларга қарши оғир ва машаққатли ҳарбий курашга жалб қилиш учун агитаторлик қобилияти айниқса кўп талаб этилди. Аксинча, юқорида қисқача тасвир этилган ҳамда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш устидан ҳисобот ва контроль олиб боришдан иборат бўлган вазифалар энди амалий иш раҳбарларини ва ташкилотчиларини биринчи ўринга қўймоқда. Шунга мувофиқ равишда раҳбарларга муайян даражада қайтадан баҳо бериш, муайян даражада уларнинг ўрнини алмаштириш лозим, чунки улар янги шароитга ва янги вазифага мослаша олмайдилар. Табиийки, бундан илгариги даврнинг асосан агитаторлик вазифаларига мослашган раҳбарлик штаби учун бундай ўтиш жуда қийиндир. Табиийки, шу сабабларга кўра бир қанча хатоларнинг содир бўлиши муқаррар эди. Эндиликда ҳар қандай қилиб бўлса ҳам раҳбарларнинг ҳам, совет сайловчилари оммасининг ҳам, яъни меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчилар оммасининг ҳам бу ерда кўрсатилаётган ўзгаришнинг зарурлигига ўзлари кўриб ишонч ҳосил қилишларига эришмоқ керак.

Меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчилар оммаси орасида агитаторлик таланти ва қобилиятига қараганда ташкилотчилик таланти ва қобилияти анча бўлган кишилар кўпдир, чунки бу синфларнинг меҳнат соҳасидаги ҳаётининг бутун шароити улардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тақсимлаш соҳасида ҳамкорликни, ҳисобот ва контролни йўлга қўйишда кўпроқ маҳорат талаб қилган. Аксинча, илгариги турмуш шароитлари омма орасидан агитаторлик ёки пропагандистлик таланти бўлган арбобларни анча кам рўёбга чиқарган. Эҳтимол шунинг учун ҳам биз касби ёки истеъдоди жиҳатидан агитатор ва пропагандист бўлган кишиларнинг ташкилотчилик вазифасини ўз зиммаларига олаётганликларини тез-тез кўраётгандирмиз, бу вазифаларни ҳал қилишга жуда кам мослашганлигимизни ҳар қадамда кўриб ишонч ҳосил қилишимизга, ишчилар ва деҳқонларнинг кўнгли қолиши ва норозиликларини сезиб туришимизга тўғри келаётгандир. Кўпинча мамлакатнинг жамиятни социалистик қайта қуришга душман бўлган синфлари, буржуа партияларининг намояндалари ёки бизда ўзини социалист деб атаб, амалда эса, меньшевиклар ва ўнг эсерлар сингари, зўр бериб буржуазияга хизмат қилаётган кишилар, — кўпинча ана шундай кишилар Совет ҳокимиятининг бундай хатолари ва муваффақиятсизликларини кўриб қувонмоқдалар. Амалда эса бу хатолар тарихан қанчалик муқаррар бўлса, шунчалик равшанки, бу соҳадаги камчиликлар янги социалистик жамиятнинг ўсиш-улғайиш даврининг хатоларидир, холос. Практик-агитатор ўзига муносиб бўлган биринчи ўринга чиқадиган даражада қайтадан ўқиб ўрганиши, — шундай қайта ўқиб-ўрганиши мумкин ва шубҳасизки, Россиянинг барча чеккаларидаги Совет ҳокимиятининг вакиллари ортиқча машаққат тортмасдан бундай қайта ўқиб-ўрганишлари мумкин. Лекин бунинг учун вақт керак, амалда хато қилиш натижасида орттирилган тажрибагина ўзгаришнинг зарурлигини яққол тушунишга олиб келиши мумкин, — янги-янги вазифаларни ҳал қилишга яроқли бўлган бир қанча шахсларни ёки ҳатто бутун бир табақадаги шахсларни илгари суриши мумкин. Ишчилар ва деҳқонлар орасида ташкилотчи талантлар буржуазия хаёл қилгани ва тасаввур этганига қараганда кўпроқ бўлса керак, лекин гап шундаки, бу талантлар пастдан юқори кўтарилиш учун, мустаҳкамланиб олиш учун, капиталистик хўжалик шароитида ўзига яраша бир мавқени эгаллаб олиш учун ҳеч қандай имкониятга эга эмаслар.

Аксинча, агар биз янги-янги ташкилотчи талантларни давлатни идора қилиш ишига кенг кўламда жалб этиш зарурлигини энди яхши тушуниб олсак, агар биз, — Совет ҳокимиятининг принципларига таяниб, — бу соҳада амалда синалган ходимларни мунтазам суратда олға бостириб борсак, биз қисқа муддат ичида Совет ҳокимияти ривож топдирган, омма орасига ташлаган ва кейинчалик омма совет муассасалари аъзолари кўпчилигининг вакиллари контроли остида амалга оширадиган принциплар асосида ишлаб чиқаришнинг амалдаги ташкилотчилари янги қатламининг пастдан юқори кўтарилишига, ўз мавқеини эгаллашига, ўзига муносиб бўлган раҳбар вазифага ўтиришига эриша оламиз.

## X БОБ

Бойларга нисбатан қўлланиладиган меҳнат мажбуриятидан Совет ҳокимияти тегишли принципларни меҳнаткашларнинг, ишчилар ва деҳқонларнинг кўпчилигига татбиқ этиш вазифасига ўтиши, тўғрироғи эса, айни бир вақтда шу вазифани ҳам кун тартибига қўйиши лозим бўлади. Бунда биз меҳнат мажбуриятини жорий қилиш вазифасининг бошқа томонини кўрамиз. Бу вазифага бошқача қараш ҳамда биринчи ўринга бой синфларга нисбатан амалга оширилиши лозим бўлган нарсани илгари сурмаслик керак. Меҳнат аҳлининг барча вакилларини рўйхатга олишимиз, уларнинг пулларини ёки уларнинг истеъмолларини текшириб боришимиз биз учун мутлақо зарур деб бўлмайди, чунки аҳолининг бу табақаларининг жуда катта кўпчилигини турмушнинг барча шароитлари меҳнат қилиш заруратига ҳамда жуда арзимас запасларидан ташқари бирон бир запас тўплай олмасликка маҳкум этади. Шунинг учун бу соҳада меҳнат мажбурияти ўрнатиш вазифаси меҳнат интизомини ва онгли интизомни ўрнатиш вазифасига айланади.

Эски капиталистик жамиятда меҳнаткашлар устидан интизомни капитал доимо очлик хавфини солиб ўрнатарди. Бу очлик хавфи ғоят оғир меҳнат билан ва меҳнаткашларнинг ўзлари учун эмас, балки бошқаларнинг бахти учун ишлаётганликларини англашлари билан қўшилиб кетганлиги учун меҳнат шароити меҳнаткашларнинг жуда катта кўпчилигининг ишлаб чиқариш раҳбарларига қарши доимий курашига айланар эди. Ана шу заминда шундай бир психологиянинг вужудга келиши муқаррар эдики, натижада меҳнаткашларнинг жамоат фикри ёмон ишлашни ёки ишдан қочишга уринишни қоралаш уёқда турсин, балки, аксинча, бундай қилишни эксплуататорларнинг ғоят оғир талабларига муқаррар ва қонуний норозилик ёки қаршилик кўрсатишнинг бир усули деб билар эди. Эндиликда буржуа матбуоти ва унинг ҳайбаракаллачилари ишчилар орасидаги анархия тўғрисида, уларнинг ахлоқсизлиги тўғрисида ёки ишчиларнинг жуда катта талаблар қўяётганлиги тўғрисида жуда кўп дод-вой солаётган эканлар, — бу танқиднинг душманлик характерида эканлиги жуда яққол кўриниб турибди. бу тўғрида узоқ тўхталиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Равшанки, Россия кейинги уч йил ичида аҳолисининг кўпчилиги мисли кўрилмаган даражада оч яшаган ва азоб чеккан мамлакатдир, — равшанки, бунда аҳоли руҳининг батамом тушиб кетиши ҳамда ҳар қандай уюшқоқликнинг бутунлай пасайиб кетиши ҳоллари мутлақо муқаррардир. Бу жиҳатдан тезлик билан бошқа вазиятга ўтишни талаб қилиш ёки бир неча декрет воситаси билан бу соҳада ўзгариш бўлишига умид боғлаш чала ўлик бўлгунча калтакланган кишига чақириқлар ёрдами билан соғлом руҳ ва меҳнат қобилияти беришга уриниш каби бемаъни ишдир. Меҳнаткашларнинг ўзлари томонидан барпо этилаётган ва меҳнаткашлар оммаси орасида тобора соғломланиш содир бўлаётганлиги билан ҳисоблашаётган Совет ҳокимиятигина бу соҳада туб ўзгаришлар қилишга қодирдир.

Совет ҳокимияти намояндалари орасида ва унинг тарафдорлари орасида — масалан, касаба союзларининг илғор раҳбарлари орасида — меҳнаткашларнинг онгли интизомини оширишга қаратилган мунтазам тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини англаш батамом етилди. Шак-шубҳа йўқки, умуман капиталистик жамият шароитида, айниқса уруш натижасида юзага келган ғоят ҳаддидан ошган ва ашаддий спекуляция шароитида ишчилар синфи орасига шундай бир маънавий бузилиш кириб қолдики, бу бузилишга қарши албатта жиддий кураш олиб боришга тўғри келади. Яна бунинг устига уруш туфайли ишчилар синфининг илғор отрядлари составида ҳам ёмон томонга қараб анча ўзгарди. Шунинг учун меҳнаткашлар орасида интизом ўрнатиш, меҳнат меёри устидан, меҳнат интенсивлиги устидан контроль ўрнатишни ташкил этиш, меҳнат меёрини белгилаш учун, бу меёрни қўпол суратда бузганларни жавобгарликка тортиш учун, бу меёрни ошириб бориш мақсадида кўпчиликка мунтазам суратда таъсир ўтказиш учун махсус саноат судлари жорий этиш, — ана шуларнинг ҳаммаси Совет ҳокимиятининг ғоят муҳим вазифаси сифатида энди кун тартибига қўйилмоқда.

Шу нарсани мумкин қадар назарда тутиб бориш кераккки, буржуа жамиятида ижтимоий тарбиянинг асосий қуролларидан бири, яъни — матбуот, биз кўриб чиқаётган соҳада ўз вазифасини мутлақо бажармай келди. Бинобарин, ҳозиргача ҳам бизнинг совет матбуотимиз буржуа жамиятининг эски одатлари ва эски традициялари таъсиридан ҳали ҳам қутилгани йўқ. Бу нарса, жумладан, шунда ўзини кўрсатмоқдаки, бизнинг матбуотимиз ҳам, эски буржуа матбуоти каби, сиёсатнинг майда-чуйдаларига, сиёсий раҳбарликнинг шахсий масалаларига ғоят кўп ўрин ва эътибор бермоқда, ваҳоланки, барча мамлакатларнинг капиталистлари шулар воситаси билан халқ оммаси эътиборини унинг турмушидаги чинакам жиддий, чуқур ва туб масалалардан чалғитишга уриниб келган эди.

---

* Бу жумланинг ноаниқ ёзилган қисми тушириб қолдирилди. — Ред.

1) В. И. Ленин 1918 йил 14-16 мартда Москвада бўлиб ўтган Советларнинг Фавқулодда IV Бутунроссия съездини Москва съезди деб атайди.

2) М. П. Богаевский (1881—1918) — Дон қўшини атамани (генерал Каледин)нинг ёрдамчиси, контрреволюцион «Дон ҳукумати»нинг аъзоси. Кичик қўшинлар даврасининг 1918 йил 7 февралдаги мажлисида атаман Калединни ўзини-ўзи отишга, бу ҳукумат аъзоларини эса ўз ваколатларини топширишга мажбур этган сабаблар тўғрисида хабар қилиб, Богаевский бундай деган эди: «Бизда ҳеч қандай реал куч йўқ эди. Биз ҳеч кимга таяна олмадик».

3) Бутун йирик саноатни национализация қилиш тўғрисидаги декретни Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 28 июнда қабул қилган эди. Шу декрет билан барча хусусий темир йўлларни, шунингдек коммунал корхоналарни (сув билан таъминлаш, газ заводлари, шаҳар транспорти ва ҳоказоларни) национализация қилиш эълон қилинган, бу корхоналар маҳаллий Советлар ихтиёрига топширилган.

4) Тейлор (Taylor), Фредерик Уинслоу (1856—1915) — Америка инженери, 1905—1906 йилларда Америка инженер-механиклар жамиятининг президенти, меҳнатни ташкил қилишнинг иш кунидан максимал даражада фойдаланишга ва ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда меҳнат қуролларини рационал ишлатишга қаратилган системасининг асосчиси. Капитализм шароитида бу системадан меҳнаткашларни эксплуатация қилиш учун фойдаланилади.

«ПРАВДА», 1962 йил, 28 сентябрь.

